ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 23-24 (155-156) 2000 йил 29 март, чоршанба Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган Сотувда эркин нархда

Ташаббус ўлмасин!

«Корхона-маҳалла» дастури тақдири қандай бўлади?

*** «Катта» «Кичик» билан дўстлашадими?**

*** «Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳамкорлигидаги муаммолар ҳақида**

*** «Чиғатой оқтепа», «Бинокор», «Ғалаба», «Обод»... Бу рўйхат давом этадими?**

Республикамиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлар экан, «...яқин икки-уч йил оралиғида кичик ва хусусий корхоналар миқдорини икки баравар кўпайтириш, мамлакат ялпи миллий маҳсулотини ишлаб чиқаришда уларнинг улушини 25 фоизгача кўтариш» вазифасини қатъий қилиб қўйди. «Корхона-маҳалла» ҳамкорлиги ва бирдамлиги иқтисодий ҳудудидаги хўжаликлар ҳам юқоридаги тоифа корхоналари сирасига киради.

«Mersedes» автомобиллари Германиянинг фахри ҳисобланади. Қизиғи шундаки, «Mersedes» номини оламга машҳур этиб турган ана шу фирма белгиси мазкур улкан корхона биносида эмас, шу атрофдаги ўрта ва кичик тадбиркорлар қўлида ишлаб чиқарилар экан. Ҳа, ҳа ишонаверинг, Туркиядаги «Mersedes» автомобилларини бутловчи автокорхона худди ўша белгини ишлаб чиқариш учун ён-атрофдаги маҳалла тадбиркорларига буюртма беради. Бунинг натижасида кичик корхоналардаги ишчилар меҳнат билан банд бўлиш, ижтимоий ҳимояланиш имкониятига эга бўладилар, қолаверса, улкан корхона учун сарф-харажат камаяди, маҳсулот таннархи арзон тушади.

1995 йилда Республика Давлат мулки қўмитаси ташаббуси туфайли йирик завод-фабрикаларнинг кичик корхоналар билан ҳамкорлиги ва бирдамлигини яратиш мақсадида улар ўртасида «Корхона-маҳалла» дастури ишлаб чиқилган эди. Бу йўналишда 250 га яқин корхоналар ташкил этилди ва баъзи сабабларга кўра ёпилишга ҳам улгурди уларнинг баъзилари. Ўтган йилнинг август ойида республика «Маҳалла» жамғармаси, мамлакат товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари ҳамкорлигида «Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳудудини яратиш борасида ишлаб чиқилган ҳужжат Адлия вазирлиги рўйхатидан ҳам ўтди. Барча ҳуқуқий ва меъёрий шарт-шароитлар яратилсада, бу жабҳадаги ишлар кутилганидек амалга ошмаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

- «Корхона-маҳалла» иқтисодий маконини барпо этиш дастури фақатгина миқдорий жиҳатдан ўзгарди, холос, - дейди Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институтининг директор ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Ренат Яушев. - 1999 йилнинг тўққиз ойи мобайнида «Корхона-маҳалла» дастури асосида 16 та корхона ташкил этилди. Буни аввалги йилнинг шу давригача яратилган 8 тага нисбатан миқдорий ўсиш, деб белгиласа бўлади. Уларнинг умумий ишлаб чиқарган товари 310 миллион сўм қийматни ташкил этади.

Шунга қарамай, йирик завод-фабрикаларнинг кичик корхоналар билан «дўстлашиб кетиш» жараёни на «Корхона-маҳалла» дастури доирасида, на бошқа шаклларда кенг тараққий эта олгани йўқ, дейди мутахассис. Маълум бўлишича, шу йўналишда ташкил этилган корхоналарнинг 50 дан ортиғи умуман фаолиятсиз экан. Бухоро ва яна бир қанча вилоятлардаги «Корхона-маҳалла» иқтисодий маконларида ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган. Дейлик, «Ўзбекенгилсаноат» ҳамда «Маҳаллий саноат» тизимларида бундай корхоналар бирмунча самарадор ишлаётган бўлса-да, «Ўзмашсаноат», «Ўзқишлоқтаъминоттаъмир», «Ўзбекмебель» тармоқларида бу йўналиш ўлда-жўлда амалга оширилаётир.

Алабатта, ҳар нарсанинг ўз сабаб-омиллари бўлгани сингари «Корхона-маҳалла» дастурининг тўлақонли ишлаб кетолмаётганининг ҳам ўз «сирлари» мавжуд. Кўпгина корхоналар ён-атрофдаги маҳалла аҳолиси у ёқда турсин, ҳатто корхонанинг ўзидаги меҳнаткашларни ҳам иш-фаолият билан тўла таъминлай олмаётирлар. Илмий-тадқиқот институти ўтказган анкета-сўровномасида ҳам аксарият маҳалла оқсоқоллари ўз ихтиёрларида на моддий воситалар, на пул маблағи йўқлигини айтиб нолишган. Тўғри-да, маҳалла оқсоқоллари маҳалла ҳудудида бўш ётган иншоот ва қурилмалардан ўз ихтиёрича фойдалана олмайди, чунки булар маҳалла балансига киритилмаган. Бинолар қанча нураб ётса ётадики, лекин унинг эгаси - мулкдори чиқмаса иш битмайди. Ана шу маънода маҳалла оқсоқолларидаги тадбиркорликка эҳтиёж сезилаётир. Пойтахтнинг «Чиғатой оқ-тепа», «Бинокор», «Ғалаба», Обод» сингари бир қатор маҳаллаларида оқсоқолнинг ишбилармонлиги туфайли идоранинг ҳисоб рақами ҳам, баланси ҳам, хайҳотдек иншооти ҳам бор. Озми-кўпми, бу ҳудудларда ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизими ривожланган. Ана шу тажрибани республика маҳаллаларида кенг жорий этиш давр талабига айланиб бораётганини барчамиз тан олишимиз даркор. Тўғри, бугунги иқтисодий ўтиш даврида жуда кўплаб корхоналар, йирик завод-фабрикалар ўз пештоқига банкротлик тамғасини «осиб юриш»га ёки санацияга тушишга мажбур бўлаётир. Баъзи корхоналар иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилмагани важидан хом ашёсиз «ўтирибди». Ходимларини иш билан таъминлай олмаётган, яхлит цех ва ишлаб чиқариш бинолари ишсиз турган корхоналарни биламиз. Мана шундай цех ва станокларни маҳалладан чиққан ташаббускор ишлаб чиқарувчиларга ижарага бериш даври келди, чамамизда.

Ташаббускор - жазоланишга лойиқ, дейишади одатда.

«Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳамкорлик дастурини яратишда республика Давлат мулки қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ташаббускор бўлгани учунгина уларни жазолаш тўғри бўлмайди. Мазкур йўналишда иш олиб бориш барчанинг манфаатига мос келгани учун бу юкни барча тортиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари «Корхона-маҳалла» дастурига бош-қош бўлишлари айни муддао бўларди. Ажаб эмас, дастурнинг самарали ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида Асака автомобилларининг фирма белгиси ёки «Зарафшон Ньюмонт» маҳсулотларининг баъзи қисмлари айнан маҳалладошлар қўлида ишлаб чиқарилса.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

ШУ СОНИНГ

2-саҳифасида:

● Қўклам келиши биланоқ қувлашмачоқ ўйнайдиган шўх болакайлар қани? Наҳот уларнинг ҳаммалари шунчалик тез улғайишди? Наҳот биз кўз олдимизда юз бераётган жамики ўзгаришларни пайқамай яшаяпмиз? - дея ҳасратлашади Гулчеҳра Жамилова.

● «Мен ўзбек халқининг узоқ йиллик тарихга эга эканини билардим. Аммо бу кўҳна заминда бунчалик кўп ва ранг-баранг байрамлар, қадимий қадриятлар борлигини билмасдим» - тан олди белоруссиялик меҳмон Романовский.

● Бугунги ўзбек рассомларини илоҳий, «оёғи ердан узилган» глобал мавзулар безовта қилади.

● Акс-садо: «Тўхтама, Тўхтамурод!

● Маҳалламиз мустақил эмас, у эскича маъмурий-буйруқбозлик усули асосида Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан бошқарилади.

● «Анҳор»нинг тубида айбимиз бор...

3-саҳифасида:

● Ачаобод лўлиларни ўқитди, аҳолини жипслаштирди, қарияларга учун тўйлар бошлаб берди.

● Идора - маҳалла юзи.

● Махмурнинг мақсади нима эди?

● Маҳалла фуқаролар йиғини раиси васиятномани тасдиқлаб беришга ҳақлими?

● Фарзандларимиз оила муҳитидан нафас олиб улғайишади. Ота-онанинг ҳар бир қадами болалар қаричида ўлчовда.

4-саҳифасида:

● Ота-онанг олдида «уф» демагин... Уларнинг қалби оғрийди.

● «Ҳамма нарсанинг янгиси, дўстнинг эса эскиси яхши».

● Шарқ Уйғонишининг сиймоларидан бири Бурҳониддин ал-Марғинонийдир.

● «Қабрда жувонни тўлғоқ тутибди» жумлаларининг муаллифи ошириб юбормаяптими?

Соғлом фарзанд - керак Ватанга!

Президентимиз Ислом Каримов «Соғлом авлод дастури»нинг бажарилишига доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссияси мажлисида «Соғлом авлод йили»да амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб бердилар. Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу муносабат билан жамғармалар, хотин-қизлар қўмиталари, маориф ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ҳокимликлар олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилди.

«Қуш уяси»да нима гап?

- Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Демак, оқил ва комил фарзанд тарбиялаш учун энг аввало, оилада соғлом муҳит яратишга эътибор қаратиш лозим. Шунда нафақат жисмоний соғлом, балки маънавий етук, баркамол фарзанд тарбиялаган бўламиз. Бас, фарзанд тарбиясида оиланинг тутган ўрни беқиёс экан, диққатимизни аввало маҳаллаларга қаратмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз,- дейишди давра иштирокчилари.

Саодат ИСМОИЛОВА, Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, шаҳар ҳокимининг ўринбосари:

- Таниқли файласуф Сантаяно таъкидлаганидек «Оила - жамиятнинг шоҳ асари». Ана шу асарнинг асосий қаҳрамонлари - бу ота ва она. Халқимизнинг «Ёшларга тарбия бермоқчи бўлсанг, энг аввало, ота-онасига тарбия бер» деган гапида катта ҳикмат бор. Айниқса, оилада онанинг тутган ўрни ниҳоятда салмоқли. Аёл маънавиятли бўлсагина, оилада тарбия топаётган фарзанд дунёқараши кенг, теран фикрли бўлиб камолга етади. Демак, аввало, оила, ана шу оилалар жойлашган маҳаллалар эл эътиборида, ардоғида бўлмоғи зарур.

Шаҳримизда 64 маҳалла, 7 митти туман мавжуд. Маҳаллаларда тарбия масаласи анча дуруст йўлга қўйилган. Маҳалла оқсоқоллари, кўпни кўрган, етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлган отахон ва онахонларимиз бизга жуда катта ёрдам кўрсатаяптилар. Аммо митти туманларда вояга етаётган болалар тарбияси билан мақтана олмаймиз. Чунки ота-онаси кун бўйи ишда бўлган болалар кўчада қаровсиз қолаётгани сир эмас. Бундай болаларнинг турли нохуш оқимларга қўшилиб кетмаслигига ҳам ҳеч қандай кафолат йўқ. Шу боисдан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни турли машғулотларга жалб этиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Иноят ШАРОПОВ, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси:

- Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом авлод тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Чунки, эртасини ўйлаган эл фарзандлари камоли учун қайғуради. Дарҳақиқат, тарбия оиладан, маҳалладан бошланади. Шунинг учун ҳам биз аввало эътиборни катталарга қаратмоғимиз керак. Чунки кўпгина ота-оналарнинг ўзлари тарбияга муҳтожлиги сир эмас. Йўқса, 16-17 яшар қизларни турмушга узатмаган, ҳали қўлидан бирор иш келмайдиган 18-19 ёшдаги ўғилларни уйлантирмаган бўлишарди.

Кўпчилик хонадонларда мавжуд бўлган қайнонакелин можароларида маҳалла оқсоқоллари фаоллик кўрсатишмаяпти. Улар ноқобил фарзандлар ўстираётган ота-оналар, тарбияга муҳтож йигит-қизлар ўртасида етарли даражада иш олиб бормаяптилар. Ҳолбуки, энди ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғайрату шижоат билан, ташаббусу ақл-идрок билан ишлашимиз керак.

Ўз мухбиримиз.

Россия: президентлик сайлови

Владимир Путин - Россия президенти

Россияда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Айни вақтда эса марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков сайлов якунланганлигини, унда аҳолининг 70 фоизга яқини иштирок этганлигини, овозларнинг ярмидан кўпи Владимир Путин фойдасига бўлганлигини эълон қилмоқда.

Кўплаб мамлакатлар раҳбарлари ҳам В.Путинни табриклаш учун 6 апрелда эълон қилинадиган расмий маълумотни кутиб ўтиришмади. 27 март куниёқ Хитой, ГФР, Франция, АҚШ каби мамлакатларнинг раҳбарлари қаторида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам унга бу юксак ишончга эришгани муносабати билан табрик йўллади ва телефон орқали суҳбатлашиб, Россиянинг равнақи йўлидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Хўш, Владимир Путиннинг бу муваффақиятини бошқа мағлуб бўлган Россия президентлигига номзодлар қандай баҳолашмоқда? Бошқа номзодларнинг ҳаммаси ҳам бир овоздан сайловнинг бўлиб ўтганлигини, бу ўринда жиддий қонун бузилишлар бўлмаганлигини тан олишмоқда.

Ўз мухбиримиз.

9 Май - Хотира ва қадрлаш куни

Қорақалпоғистон

Куюккўприк овулида «Шаҳидлар боғи»

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги Куюккўприк овулида махсус боғ барпо этилди. 15 гектарни эгаллаган «Шаҳидлар боғи»нинг марказида иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 157 нафар ҳамюртнинг номи мармар лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

«Шаҳидлар боғи» очилиши муносабати билан овулда бўлиб ўтган тадбирда эл-юрт бахту саодати учун қурбон бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг табаррук номларини эъзозлаш зарурлиги таъкидланди.

А.ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири

«Mahalla» га жавоб келди: «МЕТРОМИЗ ЮЗИДАГИ ЧАНДИҚЛАР»

(2000 йил, 2 феврал сони)

Чандиқлар ўрнида гўзал тасвир бўлади

Газетамизнинг шу йил 2 феврал сонида эълон қилинган мақолада пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» метро станциясида собиқ шўролар даврида қолган тасвир олиб ташланиб, унинг ўрни худди чандиқ мисол бўлиб турганлиги танқид қилинган эди.

Таҳририятимизга Тошкент метрополитени бошлиғи А.ЖУМАБОЕВ қуйидаги мазмунда жавоб йўллабди:

«Метромиз юзидаги чандиқлар» номли мақола шу йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси бадиий академияси ходимлари ва таниқли мусаввирлар И.Валихўжаев, А.Ҳасанов, О.Ҳабибуллаев, И.Дригин, А.Мазитов ва «Тошметролойиҳа», «Тошметроқурилиш», метрополитен ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Юқорида номлари кўрсатилган мусаввирларнинг таклифлари асосан маъқулланиб, маълум бир қўшимча ва зарур фикрлар билдирилди. Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда ижрочилар икки ой муҳлатда тугал лойиҳани тақдим этадилар ва бу лойиҳалар тегишли ташкилотларда маъқулланганидан сўнг ўз ижросини топади».



Набиралар - суюкли шогирдлар

Келажак бунёдкори бўладиган ёшлар тарбиясида санъатнинг алоҳида ўрни борлигини дилдан ҳис қилган Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳамроқул Ҳайдаров болалар қалбида мусиқага муҳаббат уйғотиш борасида тинмай изланмоқда. Ажойиб мусиқий асбоблар устаси, мумтоз куйларнинг моҳир ижрочиси, «Шарқ тароналари» кўрик-танловининг қатнашчиси Ҳ.Ҳайдаровнинг энг суюкли шогирдлари унинг набираларидир.

Суратда: Ҳамроқул Ҳайдаров набиралари билан.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят манзили: Тошкент, Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 622, 635-хоналар.

Хатлар учун: 700011, Тошкент-11, а/қ 7168

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-57-62, масъул котиб 144-34-24 ижодий бўлимлар— 144-23-90, Қабулхона — 144-23-34. 133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Шукроналар айтадиган кун

Кўкламнинг илк кунлари ҳовлига чиқиб ажиб бир манзарани кўрдиму ўз-ўзимни сўроққа тутдим: «Томорқа четидаги бу қоқигуллар қачон очилди? Мажнунтол қай пайт яшилланди? Ўрик дарахтининг гуллари бунчалар кўп? Майсалар бу қадар ямяшил?!»

Қўшнимизнинг ўғли кечаги наврўзда ҳовлида варрак ясаётган эди. Бугун у қўлига кетмон олиб, отаси ёнида ер чопаяпти. Анави қизалоқчи? Яқингинада у айвонда уззукун қўғирчоқ ўйнаб ўтирарди. Бу кун сочларига оқ гул қўндириб, атлас кўйлак кийиб олибди. Бўйлари ҳам самбитдек! Уйимиз ёнидаги ўйин майдончаси нега бунчалар сокин? Кўклам келиши биланоқ қувлашмачоқ ўйнайдиган шўх болакайлар қани? Наҳот уларнинг ҳаммалари шунчалик тез улғайишди? Наҳот биз кўз олдимизда юз бераётган жамики ўзгаришларни пайқамай яшаяпмиз? Борлиқнинг бу мўъжизалари аслида ким учун? Бизлар учун эмасми?!

Офтобрўяда суҳбат қураётган момолар бойчечакни қўлларига олиб, бир-бирларига «омонлиқ» айтишади.

«Минг шукр...» дея пичирлайман ўзим ҳам. Қайта-қайта юз кўришаётганимиз - гўзал Наврўз бизни ҳеч қачон тарк этмасин. Унинг кўзларни қувонтиргувчи чиройи, кўнгилларга меҳр улашувчи яхши одатлари, қишдан толиққан вужудларга мадад берадиган хуш таомлари ҳамиша бор бўлсин. «Наврўз саҳарларида покланиб, сўнг ният қилсанг, ижобат бўлади!» дейди кексалар. Жамики эзгу фазилатлар қаторида покизаликни ҳам ўрганамиз биз.

Биз қишнинг узун оқшомларида бир-бирларимизга жумбоқлар айтардик. «Ниманинг қопқоғи йўқ?» дейилса, «Ҳовузнинг!» деб қичқирардик. «Қайси таомга туз солинмайди?» дейишса, ўйланиб қолар эдик. «Ширгуруч, шўрва, ош... Буларнинг барисига туз солинади. Тузсиз овқатни еб бўларканми, ўзи?» Сўнг ўзимизча «енгилган» бўлардик, «тополмадик, ўзинг айт-чи?» дердик. «Э, шуниям билмадинглар. Сумалакка туз солинмайди!»

Кейинчалик оналаримизни саволга тутардик. «Нима учун сумалакка туз солинмайди?» Уларнинг айтишларича, сумалак қайнатаётган момолар тонгга яқин мизғиб олишаётганида осмондан малоикалар учиб келишиб, сумалакка туз ташлаб кетишаркан. «Нега малоикалар бошқа таомларга эмас, фақат сумалакка туз ташлаб кетишади?» деб сўрардик қизиқиб. - Бу таомга Биби Фотиманинг муборак қўллари теккан!»

Наврўзнинг чиройли сайиллари ҳаммамизнинг жону дилимиз эди. Биз томонларда муҳаббат изҳорлари кўпинча ана шундай сайилларда айтилади. Лапар ва айтишувлар, ҳазил ўйинлар баҳонасида қиз йигитта, йигит эса қизга кўнглини очади. Юрақдаги севги туғёнлари шеър бўлиб тилга кўчади. Даврадаги йигитлардан биттаси ўзи хоҳлаган қизнинг ёнига бориб, унга «ҳазил» мактубини ўқийди:

Сулувгинам, менинг исмим айтиб кел,
Қизлар ичра ой мисоли балқиб кел,
Кипригингга сурмаларни тортиб кел,
Сочларингга кўзмунчоқлар тақиб кел,
Келгил,
Менинг исмим такрор айтиб кел...

Бу сўзларни эшитган қиз ўзича йигитга жавоб айтишга шошилади:

Гапим тингла, боролмасман ёнингга,
Мақтанишинг тегиб кетди жонимга.
Билгил, тоққа чиқмасанг дўлона йўқ,
Кураш тушиб, енгмасанг, жонона йўқ!
Ғолиб бўлсанг, сўнг ёнингга борай мен,
Кўзмунчоғим бўйларингга қадай мен.

Йигиту қизларнинг айтишув қўшиқлари шу даврдаги кексаларнинг ўн саккиз ёшлик чоғларини ёдига солади.

«Ажаб замонлар келди. Биз қаллиғимизнинг юзини фақат чимилдиқда кўрар эдик!» дейишади улар. Сўнгра юзлари ёришиб, бугунги кунларга ич-ичдан шукроналар айтишади.

«Беадад шукрлар бўлсин!» дейман мен ҳам.

Бутун борлиқ, оёқларим тагидаги она замин, мусаффо осмон, жамики тириклик олами ҳам менинг шу сўзларимни такрорлаётгандай туюлади. Зеро, шукроналик ҳар биримизни эзгуликлар томон бошлайди.

Наманган

«Каунтерпарт Консорциум» ва Маҳалла

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган вилояти бўлимида АҚШнинг «Каунтерпарт Консорциум» нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда семинар бўлиб ўтди.

«Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва ҳамжамият» мавзусига бағишланган мазкур анжуманда Наманган шаҳридаги маҳаллалар оқсоқоллари, «Камолот», «Нуроний» жамғармалари шаҳар, вилоят бўлимлари раислари иштирок этдилар.

Анжуманда иштирокчиларга демократик ислоҳотларни ўтказишда нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ўрни ва вазифалари ҳақида батафсил гапириб берилди. Ўз ўрнида оқсоқоллар ҳам Наманган маҳаллаларининг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллаларда мустақиллик йилларида бўлган ўзгаришлар, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда қилинаётган ҳамкорликлар ҳақида сўзладилар.

И.ЖУМАНАЗАРОВ,
«MAHALLA» мухбири

Муносабат:
«Нега хомушсан, ўғлон!»

«Mahalla» газетасининг шу йил 16 февраль сонидаги Ҳ.Сатторовнинг «Нега хомушсан, ўғлон!» мақоласини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Мақоладаги «Энди болаларни содда, оққўнгил қилиб тарбиялаш чинакамига бир ёқламалик ҳисобланади» жумласи шунингдек, бир дарахтнинг икки хил шакли ҳақидаги муаллиф фикрлари кишини чинакамига мулоҳаза қилишга чорлайди.

Тўхтама, Тўхтамурод!

Дарҳақиқат, узоқ вақтлар мобайнида биз болаларимизни эртагу ривоятлардагидек ноҳақлик устидан адолат, жиноят устидан жасорат албатта, ғалаба қозонади, деб тарбиялаб келдик. Бу мавзу эртак ва ривоятлардагина эмас, кино санъатимизда ҳам, замонавий адабиётимизда ҳам ўз ифодасини топган эди. Ҳаётда эса бошқача якунланаётган ишлар жуда кўп эди. Мақола муаллифи айтганидай, бола бутун умр оила даврасида қолиб кетмайди-ку? Нега атрофда рўй бераётган қаллоблигу фирибгарликлар таниш-билишчилигу адолатсизликлар ҳақида бор ҳақиқатни ўргатмадик? Назаримда уста Холмирза ҳам Тўхтамуродни фақат ҳаётнинг ўша ойдин томонларинигина кўрсатиб тарбиялаган. Ва у оқибатда замона зайлидан ортда қолгандек, шаклланишдан тўхтаб қолгандек тасаввур қолдиради кишида. (Энди кейинги авлодни замонбоп қилиб тарбиялайлик). Тўғри, ҳаётимизда Тўхтамуродга ўхшаш содда, оққўнгил (Эсланг: - «сотган ёш бола эди-я») одамларимиз ҳамма жойда, ҳамма маҳаллаларда топилади. Мушкул вазиятларда, айниқса, бировнинг бошига ташвиш тушганда ўша заҳоти уларни қидириб қоламиз.

Чунки улар беғараз, беминнат, ишончли. Лекин байрам кунлари-ю, биронбир ёруғлик тегадиган тақсимот чоғларида эса бунақаларни камдан-кам тилга оламиз. Натижада улар қалбида содда, ҳалол, ҳақиқатчи одамнинг яшаши қийин экан-да, деган фикр муҳрланиб қолади. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, аваллари ота-боболаримизда «бир болага етти қўшнидан тийиқ» деган гап юрарди. Одамларни оқибатли, андишали ҳалол-пок, бир-бирига меҳрмурувватли кексаларимиз панду насиҳатлар билан тўғри йўлга солишга ҳаракат қилишарди. Ҳозир эса баъзан катта йўлда ўзаро жанжаллашиб турган ёшларни кўрсак ҳам индамай ўтиб кетаверамиз. Хизмат юзасидан фалончининг ўғли ундоқ, пистончининг қизи бундоқ қабилидаги хабарларни эшитиб тураман. Ҳа, насиҳат қилиб қўймайсизми, десангиз, биз ким бўлибмизки, насиҳат қилардик, сиз маҳалла оқсоқолисиз ахир, чора кўрингда, деган жавобни оласиз. Кўриб туриб у индамаса, билиб туриб мен индамасам, қачон тўғри бўламиз, ахир. Лоқайдлик, ҳар куни тилга олинаётган лоқайдликларимизнинг меваси эмасми?! Ҳаётда бундай иллатлар илдиз отиб кетган экан, бечораҳол бўлиб эмас, тетик, дадил ва курашчан бўлиб яшаш керак.

Р.ЙЎЛДОШЕВ,
Пахтаобод тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Байрам шукуҳи давом этмоқда

Неча асрки, лойи эзгулик билан қорилган, зуваласи меҳрга йўғрилган ўзбек халқи Наврўзи оламни ҳар йили интиқлик билан кутади.

Тошкент

Бирдамлик байрами

Ҳамза туманидаги Бобур маҳалласида бўлганимизда Наврўзнинг эзгулик тимсоли, одамларни бирлаштирувчи муқаддас байрам эканига яна бир бор амин бўлдик. Айни Искандар Қурбонов оқсоқоллик қилаётган мазкур маҳаллада 40 га яқин миллатга мансуб 12000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилар экан. Маҳаллада Наврўзни барча славян миллатига мансуб кишилар, арману гуржилар, лезгину қорачойлар - ҳамма бир ота-она фарзандларидек биргаликда нишонлашди.

Оппоқ соқолларидек қалби пок отахонларнинг дуои фотиҳалари билан байрам шодиёнаси бошланди. Қиёфалари, тиллари, динлари бошқа-бошқа бўлган одамлар бир дастурхон атрофида ўтириб Наврўзи оламни қарши олишди. Тўлқин Абдуллаев бошлиқ санъаткорларнинг куй-қўшиқларидан баҳраманд бўлишди. Муҳими турли миллат вакиллари Наврўзи олам туфайли ўзларининг Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандлари эканини ҳис қилишди. Бу нарса байрам тадбирига ташриф буюрган кўплаб меҳмонларнинг дил сўзларида ҳам қайта-қайта эътироф этилди. Белорусдан келган меҳмон Виктор Романовский ўз таассуротларини шундай баён этди:

- Мен ўзбек халқининг узоқ йиллик тарихга эга эканини биларди.м. Аммо бу кўҳна заминда бунчалик кўп ва ранг-баранг байрамлар, қадимий қадриятлар, асрларни қаритган урф-одатлар борлигини билмасдим. Назаримда, Наврўз байрамларга бой ўзбек халқининг энг ардоқли байрами экан. Инсониятга ризқу рўз улашиб, эзгулик тилаб яшаётган, ҳар куни мўъжизалар яратаётган ўзбек халқининг, байрамларга бой юрт Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлишига ишончим янада ортди.

Янги ном ҳақида ўйлашди

Шу куни тумандаги 60 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб 11250 нафар аҳолини ўз бағрида бирлаштирган «Пулемас» маҳалласида ҳам Наврўз шукуҳи давом этди. Маҳалла ҳудудидаги турли ташкилотлар, фирмалар билан ҳамкорликда аҳолига ижтимоий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастурнинг тўла-тўкис амалга оширилиши ҳамда маҳалла оқсоқоли Нишонбой Ҳусановнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилигини байрам жараёнларини кўнгилдагидек ўтказиш имконини берди. 600 кишига мўлжалланган дастурхон атрофига йиғилган уруш маҳалла ақли вакиллари ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кўп болали оилалар Наврўз неъматларидан баҳраманд бўлишди, авж пардаларда куйланган куй-қўшиқлар дилларни масрур қилди.

Маҳалла ҳаётида туб ўзгаришларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган издиҳом маҳалла номини «Маърифат» деб ўзгартириш таклифи билан чиқишди.

Ўз мухбиримиз.

Бухоро

Наврўз ва мурувват

Наврўзни мен меҳр-оқибат байрами, дегим келади. Буни кўпроқ шаҳарчадаги маҳалла фуқаролар йиғинида байрамга тараддуд бошлаганида ҳис этдим.

- Ҳудудимизда 18 кўча, 1783 хонадон бор. Байрамда бирорта оила эътибордан четда қолмайди, - дейди Жондор шаҳарчаси маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамза Худойқулов, - айниқса, 200 нафарга яқин ногиронларга аҳамият бериб, яқинда ўн нафар шундай ногиронларни газета ва журналларга обуна қилдик. Ҳомийлар томонидан тушириллган 200 минг сўм маблағ ҳам етим-есирлар, боқувчисини йўқотганларга хайрия сифатида тарқатилди.

Хуллас, бу йилги Наврўз ҳақиқий меҳр-муҳаббат, оқибат, яшариш айёмига айланиб кетишига иймонимиз комил. Омон-омон кунларга ҳурлик туфайли етдик.

Абдуҳалим ПРИМОВ.

Собиқ оқсоқол сўзи

Ассалому алайкум ҳурматли таҳририят! Севимли газетамиз бўлган «Mahalla»нинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Жонажон юртимизнинг ҳар бир маҳалласида рўй бераётган янгилик ҳамда ижобий ўзгаришлар тўғрисидаги хабарларни ўқиб, янада қалбим қувончларга тўлади.

Фаолиятимдан қониқмадим...

Ва беихтиёр ўзимнинг Бешкапа қишлоғимиз ва бу ердаги маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти тўғрисида ўйлаб қоламан. Юртимизнинг бошқа туманларидаги маҳаллаларга таққослайман. Бошқа жойлардаги каби бизнинг маҳалламизда ҳам ишлар ташкил этилса бўлмайдими? Ўзимга савол бераман. Фақат ҳали ҳам эскича буйруқбозлик, мажлисбозлик қуруқ гаплар. Бизлар амалий ишларга халқнинг эртанги кунини ўйлаб, яхши шарт-шароитлар, янгиликлар яратишимиз керак. Бизнинг Бешкапа маҳалла фуқаролар йиғини Бешариқ туманининг Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли. Мен шу маҳалланинг раиси сифатида бир ярим йилга яқин фаолият кўрсатдим. Лекин бу ишимдан халқ учун бирор наф келтиролмадим. Сабаби, бизнинг ҳуқуқларимиз чегаралаб қўйилганлигидир. Ҳамма ишлар Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан бошқарилади. Шу сабабли одамлар соатлаб машина кутиб овора бўлиб ортиқча сарф чиқим қилиб қишлоқ фуқаролар йиғинига бориши керак. Айрим жойларда бу нарсаларга чек қўйилган. Нима учун бизда ҳали ҳам бу нарса давом этиб келади. Ўз фаолиятим давомида одамларимизнинг талабини Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғини раисига бир неча бор айтдим. Натижа эса... Хуллас, шу гаплардан сўнг менга нисбатан унинг муносабати салбий томонга ўзгарди. Охири маҳаллага менинг ўғлим маҳалла посбони бўлиб ишга қабул қилинганидан сўнг мен раиснинг гапи бўйича ариза ёзиб бердим. Мана орадан яқин уч ой вақт ўтиб бормоқда. Маҳаллада раис йўқ. Иш ҳам йўқ.

Ҳурматли таҳририят! Агар бизнинг қишлоқларда маҳалла фаолиятига ана шундай муносабат бўлгандан сўнг ижобий ўзгаришлар кутса бўладими?

Ботирали ИСОМИДДИНОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ тумани, Бешкапа қишлоқ фуқароси.

Янги раис муқобил асосда сайланди

«Ундан умид катта», дейишмоқда «оқмачит»ликлар

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Оқмачит» маҳалласи оқсоқоллар кенгашининг раиси Абдусамад Исроилов кўп йиллар давомида аҳолига беминнат хизмат қилиб келди. Аммо кейинги йилларда соғлиги ёмонлашиб қолганлиги туфайли ўз лавозимидан озод қилишни илтимос қилиб маҳалладошларига ҳам, туман ҳокимлигига ҳам бир неча марта мурожаат этганди.

Тўғриси, бундай масъулиятни ҳар ким ҳам эплайвермайди. Шу боис маҳалладошлари ҳам, туман ҳокимлиги ҳам А.Исроиловнинг аризасини вақтинча қабул қилмаётган эдилар. Ниҳоят, яқинда унинг аризаси инобатга олиниб, маҳаллада оқсоқоллар кенгашининг янги раиси сайлови бўлди.

Сайлов муқобиллик асосида ўтди. Раисликка икки кишининг - кўп йиллардан буён ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаб келган Саъдулла Иброҳимов ҳамда узоқ йиллар давомида олий ўқув юртида таълим-тарбия берган Абдуҳамид Садирхўжаев номзодлари қўйилди. Маҳалла аҳолиси вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда кўп овозни С.Иброҳимов олиб, «Оқмачит» маҳалласи оқсоқоллар кенгашининг раиси этиб сайланди.

«Оқмачит» маҳалласи оқсоқоллар кенгаши янги таркибининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги раис ва фаоллар маҳаллада таълим-тарбия ишларини, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамни кучайтириш, осойишта ҳаётни таъминлаш тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар ҳамда чора-тадбирлар белгиладилар. Йиғилишда шунингдек, танқидий фикрлар ҳам билдирилиб, бунда гап асосан коммунал хизмат учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш хусусида борди. Масалан, ташландиқ ва ахлатхона бўлиб ётган ер маҳалла аҳолисининг ташаббуси билан ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилган бўлса-да, айрим лоқайд, бепарво одамлар ҳамда бетартиб ёшлар айби билан бугунги кунда бу гўзал истироҳат майдони қаровсиз аҳволга тушиб бораётганлиги тўғрисида аччиқ гаплар айтилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари бу камчиликларни бартараф этишга қодир, дейишди йиғилиш қатнашчилари.

Абдураим ОТАМЕТОВ.

Яхши одамлар бор бўлсин

Солиқчи фақат солиқчи эмас

Ўлим қурсин, ғамбарали Эргашевни бир кечада ҳаётдан юлиб кетди. Боқувчисини йўқотган Сурмахон опа тўрт болани бағрига босганича юм-юм йиғлаб қолаверди. Бундай кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан.

Яхшиям маҳалла-кўй бор. Бешариқ тумани «Халқлар дўстлиги» дахаси фуқаролар йиғини қарори билан Сурмахон Мадраҳимованинг оиласи тезда моддий ёрдамга муҳтож оилалар қаторига қўшилди. Бир йил ёрдам пули бериб борилди. Лекин кейинроқ айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги билан ёрдам пулидан маҳрум бўлиб қолди. Ўшанда чуқур ташвишга тушди. Тўрт болани энди қандай боқади?

Опа ўйлаб-ўйлаб охири тижорат ишлари билан шуғулланишга киришди. Қўқон шаҳри бозорларидан насияга ширинликлар олиб келиб дуч келган жойда сота бошлади. Лекин бу Бешариқ туман ҳокимининг 2000 йил 15 январдаги «Шаҳар ҳудудида тадбиркорлик фолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги фармойишига зид эди. Унда шаҳар кўчаларида ва бошқа белгиланмаган жойларда савдо қилиш таъқиқланган эди. Туман солиқчилари фармойиш талаблари ижросини текшириб юриб Сурмахон опага дуч келдилар ва уни белгиланган тартибни бузганлиги учун огоҳлантирдилар.

Солиқчиларнинг огоҳлантириши опага қаттиқ ботди. Жаҳл устида юқори ташкилотларга «солиқ инспекцияси кўз очирмаяпти» деб шикоят ёзди. Шикоятни текширишга келган нуфузли комиссия оқни оққа, қорани қорага ажратганидан кейин ўзи бироз уялиб қолди. Комиссия аъзолари моддий жиҳатдан қийналиб қолган опага қонуний фаолият кўрсатиш йўл-йўриқларини кўрсатдилар, дардига қулоқ тутдилар.

Комиссия таркибига кирган солиқчилар кўмаги билан Сурмахон опанинг боши кўкларга етди. Агар солиқчилар эътибор беришмаганида бундай рўшнолик қаёқда эди.

Ж.НОСИРОВ,
Республика Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Айбимизни сув беркитиб турибди, лекин...

Тангри таоло ўзининг буюк мўъжизаси бўлмиш одамзодни яратганда унга улуғ неъмат - сувни унинг ҳаёти учун энг зарур манбалардан қилиб буюрган.

Бир вақтлар пойтахтимиздаги «Анҳор»га туташ «Ёнбошобод» ва «Ширин» ариқлари пойтахтнинг Чилонзор туманида жойлашган «Дўмбробод» ва «Наққошлик» маҳаллалари аҳолисини ўзининг зилол ва ҳаётбахш сувидан баҳраманд этиб келарди.

Кейинги йилларда кенг кўламда амалга оширилган уй-жой ва саноат қурилишлари туфайли юқорида тилга олинган ариқлар барҳам топиб, уларнинг ўрнига аҳоли эҳтиёжини бироз бўлсада қондириш мақсадида сув кўтарадиган насосли қувурлар ишга туширилганди. Аммо бу насос шохобчаларининг аҳоли учун етказиб бераётган суви таркибини ҳам тоза деб бўлмасди...

Хайрият, бугунги кунда «Анҳор»нимиз яна сувга тўлди. Ариғимизга сув келганидан ҳаммамиз қувондик, албатта. Лекин сув оқмаётган давр мобайнида тўпланиб қолган чиқиндилар тозаланмай қолди. Бу иш учун мутасадди ташкилотларга таъна қилмоқчи эмасмиз. Халқимизда ҳашар деган азалий, жуда савобли удум бор. Сув келишидан бир-икки кун аввал хабар топганимизда фуқароларимизнинг ўзиёқ ҳашар қилиб, ариқни тозалаб қўяр эдик. Бошимизни қовуштирадиган бир одам топилмаганидан афсусдамиз. Яхши ҳам сув ариқни тўлдириб, биз - инсонларнинг айбимизни беркитиб оқмоқда. Унинг тубида чиқинди-ю идиш-товоқлардан тортиб «оёғи осмондан» бўлиб ётган телефон будкаларигача кўринмай қолган. Ариқни тозалаш учун эса унинг яна бир бор қуришини кутишдан ўзга чора қолмади, афсус...

Р.КЕНЖАЕВ,
«Дўмбробод» маҳалласи фуқароси.

Таассурот

Мўйқаламдан яралган ҳаёт

Яқиндагина «Илҳом» театрининг кўргазмалар залида очилган ёш ва иқтидорли мусаввирлар Тоҳир Каримов ҳамда Нодир Шоабдураҳимовларнинг кўргазмага қўйилган асарларини томоша қилдик.

Табиатан шоир бўлган Нодир Шоабдураҳимов қаламига мансуб асарлар томошабинга ҳазрат Навоий ва Умар Хайёмнинг бетакрор мисраларини эслатса, Тоҳир Каримов чизган полотноларда қадим «Шашмақом» оҳанглари эшитилиб туради. Нодирнинг кўргазмага қўйилган асарлари ёнида у яратган гўзал шеърлар ҳам жой олганки, улар бири иккинчисини тўлдириб, бойитиб турибди.

Шарқ миниатюралари, қадимги афсона-ю, эртакларнинг хаёлий қаҳрамонлари мусаввир асарларида қайта жонланади. Унинг «Сув париси билан учрашув», «Жаннатдан қувилиш», «Одам Ато олмаси», «Минотаврнинг туши» каби ўзига хос композицияга ва бетакрор ечимга эга асарлари томошабинни ўйлашга, фикр юритишга, мушоҳада қилишга ундайди.

Тоҳир Каримовнинг образлари эса асосан болалардан иборат. Мусаввир бу ўсмирларда ўз болалигини кўради. «Болалар мен учун зоҳирий ва ботиний беғуборликнинг рамзидир, - дейди Тоҳир Каримов. - Ҳали уларда катталарга хос айрим қусурлар бўлмайди. Болалар ўзларига хос оламда яшашади. Уларнинг олами энг беғубор олам, уларнинг осмони энг мусаффо осмон».

Отлар билан тиллашаётган («Ҳаворанг от»), қоғоздан ясалган кемаларнинг тўсиқ ва ғовлардан қандай ўтишини кузатаётган («Қоғоз кемалар»), нилий осмонда чарх ураётган қушлардек зилол сувга кетма-кет калла ташлаётган («Чўмилаётган болалар»), жимликдан мусиқа излаётган («Жимлик») болалар сизни ҳам болаликнинг қайтарилмас дунёсига, сиру синоатга тўла сеҳрли оламига етаклайди.

Мусаввир болалар тимсолида шундай файласуфона фикр юритади: у ўтмиш ва келажак, ноқислик ва гўзаллик, бахт ва қайғу ҳақида мушоҳада қилади. Тоҳирнинг асарлари томошабинни фақатгина гўзаллик билан юзма-юз қолдирмайди, балки уларни ҳаёт ва ўлим ҳақида ўйлашга даъват қилади. Унинг талқинида ўлим инсон тинимсиз интиладиган бир манзил, холос. Чунки вужуднинг қариши, унинг ўлиши даҳшат эмас. Ҳақиқий даҳшат қалбнинг ўлиши, ботиний оламнинг қартайиши, маънавий чўкишдир. Мусаввирнинг «Тун қуши», «Фаришта», «Учрашув», «Биргаликда» каби асарлари томошабинда ана шундай чуқур фалсафий фикрлар ғуғонини уйғотади.

Табиатга ошуфталик Тоҳирнинг турли мавзудаги натюрмортларида, «Пейзаж», «Боғ», «Куз манзараси», «Шарқ панноси» каби асарларида бор бўйи билан акс этса, унинг мусиқага шайдолиги, мусиқий оҳанглар «Най чалаётган машшоқ», «Кутиш», «Мусиқа» сингари полотноларида ўзига хос йўсинда жаранглаб туради.

Саноатхон СОБИРЖОН қизи.

Маҳаллаларимиз тарихидан

Биз Ачаободда маҳаллани қандай ташкил қилган эдик?

*** Ёш эдик, лекин...**
*** Ачаобод лўлиларни ўқитди**

Урушдан сўнг Шайхонтоҳур туманига қарашли маҳаллаларда қайта сайловлар бошланди. Ачаобод маҳалласига юқоридан келган вакил таклифи билан ёш бўлишимизга қарамай, журналист Расул Раҳмоновни (25 ёшда эди) раис ва мактаб ўқитувчиси бўлганим учун мени маҳаллага раис муовини этиб сайлашди. Ўшанда ёшим 35 да эди. Ачаобод маҳалласининг аввалги оқсоқоли Зокир ота бизга қуруқ маҳалланинг муҳрини топширди. Сир эмас, маҳаллада асосан бетартиб яшовчи лўлилар яшарди. Маҳалла ихтиёрида чойхона рўпарасида 20 сўтих ер, Омонат кўчасида бир болахона маҳалла ихтиёрида турибди. Шу болахонани бузиб бўш ерга маҳалла идораси қурилса бўлади, деб чамаладик биз. Албатта, 2 кишининг қўлидан бундай иш келмаслиги аниқ. Шу сабабли маслаҳатлашиб дам олиш куни маҳалла чойхонасида Ачаобод маҳалласининг биринчи йиғилишини ўтказиб, маҳалла таркибига ишбилармон бир неча отахонларни ва кўпроқ ўз тенгимиз бўлган ўрта ёшлиларни олдик. Маҳалла фаолларини танлашда кўпроқ уларнинг ҳунармандлиги, зукколигига эътибор қаратдик. Фаолларнинг маслаҳати билан чойхона рўпарасидаги бўш жойга дастлаб маҳалла идораси ва ёнига 100 киши сиғадиган клуб қура бошладик. Қурилишга кўпчилик ёшларимиз қатнашди. Тезда маҳалла идораси битгач, клубни ҳам кузга қолмай битириш ҳаракатига тушдик.

Шундай қилиб, биринчи йилда маҳалла идораси ва чиройли клуб битказилди. Сўнг клубда тантана билан анжуман ўтказилди. Юқори ташкилотлардан раҳбар ходимлар қатнашди. Ачаобод маҳалласи анча тикланиб, С.Раҳимов туманида оғизга тушиб қолди. Шундан сўнг маҳалланинг ички тартибини ҳам йўлга қўйдик. Тартибсиз ҳолда яшаб келган майда миллат вакиллари бўлмиш лўлиларни ишга солиб, уй-жойларининг тартибли бўлишига эътибор қаратдик.

Авваллари улар яшайдиган ҳовлининг эшиги ҳам бўлмасди, ҳатто молларини кўчага боғлаб қўяр, баъзилари ёз кунлари кўчага супа қилиб олиб бола-чақаси билан ётарди. Бундай бебошликларга йўл қўймадик. Натижада улар ҳам ўзбекларга ўхшаб яшай бошладилар. Болалари ҳам мактабларда ўқиди. Баъзи лўли фарзандлари олий ўқув даргоҳларига кириб, санъат соҳасида ўзларини кўрсата бошладилар. Шундан сўнг маҳалла аҳолиси якдиллик билан ишга киришиб, маҳаллада, озиқ-овқат дўкони, кийим-бош дўкони, политехника, омонат касса, сартарошхона ҳатто газета дўконлари очилиб, ҳақиқий маданий маҳаллага айланди. Тўй-маросимларимиз тартибга тушди. Бу ўринда кекса отахон ва онахонларга алоҳида эътибор берадиган бўлдик.

Шу ўринда бир мисолни келтирмоқчиман. Кекса маҳалладошимиз Тўхтамурод ота менга маслаҳат солиб дедилар:

- Ёшим 80 дан ошди. 2 марта уйланиб, кейинги турмушимдан икки ўғлим бор. Аммо улар ҳали ёш. Менинг соғлиғим тобора оғирлашиб бормоқда, ўйлайманки, бу аҳволда ҳажга боролмайман. Аммо ўлимлигим учун алоҳида ажратиб қўйган пулим бор. Шу 80 йиллигимни тириклигимда бир йўқлаб қўйсам, қариликда маҳалла ва қариндош-уруғлар учун катта қозонда ош берсам, армоним қолмасди. Бу орада 20 кунча вақт ўтди. Август ойи эди. Ҳаммаёқ мўлчилик. Тўй куни - дам олиш кунига белгиланиб, бутун маҳалла ва қўшни маҳаллалардан ҳам 20-30 га яқин меҳмонлар айтилди. Шанба куни сабзи тўғраш куни бўлди. Биз бунга 20-30 одам келар деб ўйлаган эдим. Ваҳоланки, соат етти бўлмасдан 100 га яқин одам тўпланиб ҳовлида катта йиғин бошланди. Бу хонадондан кўп вақтдан буён эндигина карнай-сурнай, ноғора товуши эшитилди. Отахоннинг ҳовлиси одам билан тўлди. Совғалар ёғилиб кетди. Тўхтамурод ота севинганидан мени қучоқлаб йиғлар эди. Тўхтамурод ота маҳалламиз фаолларига қарата шундай миннатдорчилик сўзини айтди:

- Ҳурматли маҳалламиз фаоллари! Мана қариндош-уруғларим, ёр-дўстларим менга 30 дан ошиқ чопон кийдириб совға қилдилар. Мен эрта-индин ўз жойимга кетадиган одамман. Шу туфайли ушбу совғага келган чопонларни тўйимда хизмат қилган укахонларимга совға қилсам, менинг вафотимдан сўнг эслаб юрсалар. Ачаобод маҳалласида биринчи бор ўтказилган бу маросим эл ўртасида кенг тарқалди. Шундан сўнг 60-70-80 ёшга тўлган отахонлар навбати билан таваллуд кунларини нишонлаб, чиройли тантаналар ўтказилди. 1970 йилга борганда маҳалла оқсоқоли Р.Раҳмонов Ачаобод маҳалласининг қисқа тарихини ёзиб, «Менинг маҳаллам» номли китобчасини нашрдан чиқарди. Бу мужда ҳозир узоқ-яқин тарихдан ҳикоя қилувчи «донишманд ҳамроҳ»га айланган.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Идора - маҳалла юзи

Тадбиркор «Истиқлол»га мададкор

Маҳалла идоралари жамоатчилик фикри шаклланадиган, эл-юртнинг ҳақ гапи қарор топадиган муқаддас масканлардан ҳисобланади.

Шунинг учун бундай масканларни обод этиш, маҳалладошлар ва жамоатчилик олқишига сазовор бўлиш яхши одамларнинг эзгу амалига айланиб бораётир.

Наманган шаҳридаги «Истиқлол» маҳалласи гарчанд замонавий ном билан аталса-да, унинг биноси жуда кичкина, қолаверса, маҳалла аҳли учун ноқулай жойга жойлашган эди. Бу номутаносибликни пайқаган «Наманганнон» жамоа корхонасининг раҳбари, тадбиркор Латифжон Аҳмедов маҳаллага янги бино ҳамда мўъжазгина дўкон қуриб беришга киришди. Қурилиш ишларини ушбу жамоа корхонасига қарашли «Ал Ҳаким» қурилиш бригадаси амалга оширди. Бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқаришда прораб Ҳабибулло Аҳмадуллаев, бригадир Тоҳиржон Зуҳуров ҳамда Бахтиёр Дадабоев, Абдуғани Йўлдошев, Алижон Нажмиддинов сингари илғор ишчиларнинг хизматлари салмоқли бўлди. Дарвоқе, маҳаллада бир иш бошланса, у шу ҳудуднинг фаолларисиз ҳеч қачон битмаган. Аҳолига хизмат қилувчи идора ҳамда дўконнинг қурилишида «Истиқлол» маҳалла фаолларидан Мамажон ота Дадабоев ва Асқаржон ота Бурхонбоевлар бош-қош бўлишди.

Абдуллажон МИРЗАЕВ,
меҳнат фахрийси.



Оппоқ покиза либос, оппоқ покиза ният билан

Тарихдан тарақдай

«Ҳапалак» нима мақсадда ёзилганди?

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган ҳажвгўй шоир Махмурнинг «Ҳапалак» номли шеърини ўқимаган, кишини юртимизда топиш қийин.

Бу шеър Ҳапалак деган қишлоқнинг тарихи билан боғлиқ бўлиб, мамлакат подшосига мурожаат билан бошланади:

Эй жаҳондори зафар, кавкабаи даври фалак,
Гўш қил қиссаи қишлоқи хароби Ҳапалак.

Ҳапалак қишлоғи Қўқондан 30-40 км ғарб томонда бўлиб, бу шеър яратилган даврда сувсизликдан ниҳоятда хароб, халқи оч экан. Одамлар йўқчиликдан ажириқнинг томирини ўғурда туюб, қайнатиб ичишгача борган эканлар.

Бу даврда Қўқон хонлигида ким подшоҳ эди? Нодиранинг турмуш ўртоғи, шоир Амир Умархон подшоҳ эди. Нима учун Махмур Ҳапалак қишлоғининг аҳволи ҳақида шеър билан бирон вазир ёки солиқ ишлари бўйича мутасаддиларга эмас, шахсан подшоҳга мурожаат қилмоқда? Чунки подшоҳ ўзи шоир бўлиш билан бирга у даврдаги адабий муҳитнинг раҳбари ҳам бўлиб, Махмурни яхши танир, унинг шеърий истеъдодини ҳурмат қилар, бу билан ҳам чекланмасдан, энг муҳими, Ҳапалак қишлоғини унинг ихтиёрига берган эди. Оғир солиқдан норози бўлган қишлоқ аҳолиси эса солиқдан қутилиш масаласида Махмурни маҳкам ушлаган бўлишлари керак. Шундай оғир вазиятда шоир ҳам уларнинг илтимосини қабул қилишга рози бўлган ва подшоҳга ҳадди сиғиб, унинг номига бу асарни ёзиб, ундан Ҳапалак қишлоғи одамларини ушбу солиқдан халос қилишни сўраган.

Кўп тадқиқотчилар Махмурнинг ушбу шеърини ҳажвий шеър сифатида таҳлил қиладилар. Унда ҳажв кўринишлари йўқ эмас. Аммо бу шеър, бизнинг фикримизча, кўпроқ ҳазил-мутойиба йўлида ёзилган бўлиб, шу йўл билан шоир подшоҳни ғазаблантириш эмас, раҳмини кўзғашни, кўнглини юмшатиб, ниятига эришишни, ёрдамига муҳтож қишлоқ халқини эса хурсанд қилишни ўйлаган.

Бу ўринда Махмурнинг ҳар бир ўхшатишида бир олам маъно бор. Бунда у айрим нарсаларни бор аҳволидан ёмонроқ қилиб тасвирлаган ҳам бўлиши мумкин. Бир нарсани қайсидир шоир ёмонлаб, бошқа бири кўкларга кўтариб, мақтаб ёзиши адабиёт тарихида оз эмас. Масалан, Навоий Қозизода деган шоирдан: «Сенинг шеъринг яхшими ёки Наҳвийникими?»- деб сўраганда, у: «Меники яхши!. Чунки Наҳвий рост гапларни ёзган. Менинг ёзганларим эса бошидан охиригача ёлғон. Бурунги машойихлар шеърнинг ёлғони яхши деганлар», деб жавоб берган экан.

Бинобарин, Махмур шеърига ҳам тарихий ҳужжат сифатида, ҳам биринчи навбатда адабий асар деб қарашимиз ва баҳо беришимиз даркор.

Шундан сўнг Амирийнинг Ҳапалак аҳолисига ёрдам берган-бермагани бизга аниқ маълум эмас. Ёрдам берган бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Бир шахс номига ёзилган Махмур шеъри эса кейинчалик ўзбек адабиётининг ўлмас дурдоналаридан бири бўлиб қолгани аниқ ва таниқдир.

Искандар музқаймоқни кўрди

Дарҳақиқат, музқаймоқ ҳам ўта қадимий неъмат бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи эрамиздан аввалги замонларга, иссиқ мамлакатларга бориб тақалади.

Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн Ҳиндистонни забт этган пайтида у ҳиндларнинг ажойиб анъанасидан ҳайрон қолган, яъни улар жазирама кунларда музлатилган сутни шимиб ўтиришаркан.

Таъқиқлов

Маълум бўлишича, «Кириш таъқиқланади» ёки «Кириш ман этилади» деган иборалар тош асрида ҳам қўлланган экан.

Олимлар Испаниянинг Пасиега ғоридаги баланд тошда битилган белгиларни (белгилар тош асрига тааллуқли) ўқишга муваффақ бўлишди. Агар у белгиларни ҳозирги замон тилига ўгирадиган бўлсак, «Бу ерга кириш ман этилади» деган маънони англатаркан.

Никоҳ узуги ва келиннинг оқ либоси тарихидан

Маълумки, айни замонда келин-куёв никоҳини никоҳ узугисиз тасаввур этиш қийин.

Зеро, бу одат турмушимизга шунчалар сингиб кетдики, ҳатто бозор иқтисоди деган ижтимоий-иқтисодий тизим ҳам бу анъанани тўхтата олмайди энди.

Маълум бўлишича, ўнг қўлидаги тўртинчи бармоққа узук тақиш қадимги Мисрда одат тусига кирган экан. Ўшанда фиръавнлар тўртинчи бармоғини юрак клапанлари билан алоқаси бор деб ҳисоблашган ва шунинг учун ҳам ўша бармоққа никоҳ узугини тақишган.

Келиннинг тўйда оппоқ либосда бўлиш одати эса бизга Овруподан кириб келган. Бу либосни биринчи марта 1558 йили Мария Стюарт қирол Франциско Иккинчига никоҳланганда кийган. Бунгача эса Оврупода келинлик либоси қип-қизил рангда бўлган.

Оқ уй пойдевори қачон қурилган

Оқ уй Америка президентининг қароргоҳи ҳисобланади. Фақат қачондан бери қароргоҳ вазифасини бажарган, буни барча биларвермаса керак.

1797 йилдан 1801 йилгача Қўшма Штатларни бошқарган Жон Адамс 1800 йилнинг 1 ноябрида ўз иш жойини Оқ уйга кўчиради. Тўғри, у пайтда бино бундай номланмаганди. Кулранг қумтошдан қурилган мазкур бино Адамс кўрсатмасига биноан ўша йили оқ рангга бўялган. Бу давргача у 8 йил «умр кўрган»ди, яъни 1792 йил 13 октябрда унинг пойдевори қурилган. Шунинг учун 1992 йилда Оқ уйнинг 200 йиллик тўйи нишонланди.

Франциядa аёллар ихчамлашмоқда

Ҳозирги кунда «ўртача» французнинг оғирлиги 75 кило, бўйи эса 172 сантиметр экан.

Франциялик эркакларнинг оғирлиги кейинги 20 йил ичида 3 килога кўпайган. Аёллари эса 1979 йилдан буён 600 граммга озишибди, яъни ҳозир уларнинг бўйи ўртача 160 сантиметр бўлгани ҳолда, оғирлиги 60 кило. Бу шундан дарак берадики, кейинги пайтда аёллар ўз қоматлари ҳақида кўпроқ қайғуришмоқда.

Сўранг, билиб олинг

Ишлаб чиқариш корхонасида ишлаётган ходим бефарқлик оқибатида корхонага моддий зарар етказса, ушбу зарар суд орқали тўланиши керакми ёки корхонанинг ўзи ҳам буни ундириб олиши мумкинми?

Д.ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳри.

- Ходимнинг айбли хатти-ҳаракати натижасида корхона, ташкилот, муассасага моддий зарар етказилган бўлса ва бу зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаса, бу зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилиши мумкин. (Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин).

Агар, етказилган зарар суммаси ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан ошса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтиб кетган бўлса, зарар суд орқали ундирилади.

***

Мен оддий қишлоқ ишчисиман. Қишлоқда яшаганингдан кейин албатта уй ҳайвони бўлмаслиги мумкин эмас. Бу - ҳам эрмак, ҳам тирикчилик манбаи.

Сизлардан мени қизиқтирган бир саволни сўрамоқчи эдим. Уйда мол боқиб, уни сотиб тирикчилик қилса, солиқ солинадими?

К.ОЛИМОВ,
Фарғона вилояти.

- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси талабига мувофиқ, шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларнинг тирик ёки сўйилган ҳолатда маҳсулотларини хом ва қайта ишлаган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадларига солиқ солинмайди.

***

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси васиятномани тасдиқлаб беришга ҳақлими?

Э.ҲАЙИТБОЕВ,
Жиззах вилояти.

Йўқ, ҳақли эмас. Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда бу нотариал ҳаракат фақат шаҳарча, қишлоқ ёки овул фуқаролар йиғини раиси томонидан амалга оширилиши мумкин.

***

Мен нон комбинатида ишлайман. Тўрт нафар фарзандим бор. Комбинатимизда иш жараёни узлуксиз бўлганлиги учун баъзан тунги сменага келишга тўғри келади. Болаларим ёш бўлганлиги учун баъзан бироз қийналмоқдаман. Шу сабабли мени бошқа енгилроқ ишга ўтказишларини сўраб мурожаат этишга ҳақлиманми?

Н.ЗАРИФА,
Самарқанд вилояти.

- Албатта ҳақлисиз. Қонун бўйича ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар уларнинг розилигисиз тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди. (МКнинг 228-моддаси)

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

Руҳан соғлом авлод керак Ватанга

Ота - саргузаштда, бола узлатда

Кўзимиз олдида вояга етаётган фарзандларимиз маънавий баркамол ўсишлари учун нималар қилмоқ лозим?

Қайсидир куни йўловчи транспортида кетаётиб, ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдим. Отасидан аччиқланиб, аразлаб қолган 6-7 ёшлардаги болакай асабий тарзда оёғини дўпиллатиб отасини ҳақоратлайди: «Нега мени уришасиз. Ўзингиз хотинбозсизку». Ўриндиқда ўтирган онаси ҳар қанча ўғлининг оғзини ёпишга уринса ҳам бўлмади, асаб отига минган бола сўзини баралла қайтараверди.

Тушундимки, бу оилада носоғлом муҳит ҳукмрон экан. Ҳали ўсмирлик ёшига етмаган болакай ўзи маъносига тўлиқ етиб бормаган сўз билан отасини калака қилаяпти. Бу нотаниш сўз эса онасининг «луғат бойлиги»дан чиққанлиги шундоққина аён бўлиб турибди. Мени мурғак болакайнинг эрта уйғонган «дунёқараш»и асабийлаштирди. Ахир шу бола эрта биркун улғайиб ўзи айтган сўзининг маъносига етади-ку! Унга бу сўзлар қандай таъсир қиларкин? Нега ота-онам ўртасида жанжал кўтарилганида «хотинбоз» сўзи бот-бот ишлатиларди, деб ўзига савол бермайдими шунда у?

Дугонам Марҳабонинг турмуш ўртоғи олий маълумотли, нуфузли ташкилотда катта иш ҳақи олиб хизмат қилади. Марҳабо шу кунларда қалби ўксиб, қадди букилиб юрибди - ўрталарида тўрт нафар фарзандлари бўлишига қарамай, эри бошқа аёл билан «ўралашиб» қолибди. Дугонамнинг турмуш қурганига 12 йилдан ошганига қарамай, бугунги кунда оила ичига «учинчи одам» - бегона аёлнинг суқилиб кириши муқаддас қўрғондаги соғлом муҳитга катта доғ бўлиб тушди. Саргузаштлар шинавандаси бўлган эр бир сафар «кечки навбатчиликда эдим», бошқа сафар «ишхонада қучайтирилган режимни жорий этишди», деб уйга ошиқмайди, хотин эса фарзандлар ташвиши билан уйдан чиқмайди. Оиладаги низодан хабар топган дугонамнинг қайнота-қайноналари ўғилларини тартибга чақирдилар, ўзига хуфёна тарзда қайсидир мачитда никоҳ ўқитиб олинган иккинчи хотинни «уч талоқ» қўйишга мажбур қилишди. Лекин бу билан дугонамнинг муаммоси ечилиб қолгани йўқ. Ҳамма жанжал шундан кейин бошланиб, йигит оиласи, фарзандлари, ота-онаси, қолаверса, қариндош-уруғларини ҳам писанд қилмай, иккинчи хотин билан яшашни ошкора давом эттираверди, оиласи, фарзандлари учун моддий таъминот беришни тақатақ тўхтатди.

Албатта, қонунчилигимиз кўпхотинлиликка йўл қўймайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддасида умумий рўзғор асосида 2 ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаганлик учун ўзига яраша жазолар белгиланган. Балки шу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишга солиш орқали «саргузашталаб эр»ни моддий жиҳатдан бироз қийнаш, фарзандлари учун алимент тўлашга мажбур қилиш мумкин бўлар, балки уларга уй-жой ҳам ажратиб берилар. Лекин бу билан асосий хотиннинг бағри бутун бўлиб қолармиди? Қолаверса, оиладек муқаддас қўрғонга суқилиб кирган учинчи ёт киши - қўпол айтганда, енгил тараксиз одамдай ҳис этишларига олиб келмаяптимикан? Ёш қалблар руҳида кимлардандир ўч олиш, айбсизлардан қасос қидириш, сингари хусусиятларни туғдириши мумкин-ку!

Шу жиҳатларни ўйлаганда, оилавий соғлом муҳитни барпо этиш борасида маҳалла-кўй, ўзини ўзи бошқариш органлари, қолаверса, кенг жамоатчиликдан алоҳида саъй-ҳаракат талаб қилинишини эслатиш лозим. Ўткинчи «муҳаббат ўйинлари», ҳою-ҳаваса берилган эркакларни на ота-она, на болачақа, қариндош-уруғ қайтара олмаётганини тажрибалар кўрсатиб турибди. Лекин бу муаммоларни бартараф этишда кенг жамоатчилик аралашгудек бўлса, ҳар ҳолда маҳаллада бош кўтариб юришини ўйлаган инсон қуюшқондан чиқмаслик тадоригини кўра бошлайди. Аввалари маҳалла қўмиталари қошида ҳуқуқий секторлар ишлаганлигини ҳамма яхши эслайди. Мазкур ҳуқуқий маслаҳат хизматларини бугунги кунда ҳам ташкил этиш керакка ўхшайди. Маҳалла фуқаролар йиғинида иш олиб борадиган бундай хизматлар бир томондан хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилса, иккинчи томондан қонунбузарлик қилаётган, лекин саъй-ҳаракатлари бирорта қонун «қармоғи»га илинмайдиган, тўғрироғи илинтирмайдиган шахслар ҳуқуқини чеклаш бўйича иш олиб борган бўларди.

Авлодимизнинг жисмонан, маърифат жиҳатдан соғломлигини ўйлаш билан бирга уларнинг руҳий-маънавий соғломлиги ҳам долзарб масала бўлиб қолаётир. Бу масалани рўёбга чиқаришда кенг жамоатчиликнинг фаоллиги талаб этилади.

Дилфуза ТЎХТАЕВА,
ҳуқуқшунос.

ТАҲРИРИЯТДАН: ***икки ва ундан ортиқ хотин билан яшаш натижасида асосий оиладаги соғлом муҳитга путур етаётган ҳолатлар учраб туради. Унинг иқтисодий-моддий жиҳатидан ташқари, ҳуқуқшунос таъкидлаганидек, руҳий-маънавий оқибатлари ҳам «қиммат»га тушаётир. Бу инсон қонидаги азалий, лекин жиловланишга ҳақдор бўлган қусур ҳақида ўқувчиларимиз қандай мулоҳазалар билдиришади? Кўзимиз олдида вояга етаётган фарзандларимиз маънавий баркамол ўсишлари учун нималар қилмоқ лозим? Мунозара давом этади, азиз муштарий.***

2000 йил 29 март
№ 23-24 (155-156)

АХЛОҚИНГДАН СЕЗУРЛАР

Яхшилар гулшани

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

7.Отанг-онанг олдида «уф» демагин

Яратган Эгам ўзининг каломи Қуръони азими шаънида марҳамат қилиб айтадики, ота-онанг қариб, ҳаракатга ожизлик қилиб қолиб, сенинг қўлингга қараб қолишганда сен уларнинг олдиларида «уф» демагин.

«Уф» сўзида жуда кўп маънолар бор, албатта. Инсон зерикса ҳам «уф» дейди, чарчаса ҳам «уф» дейди, бир бадбўй ҳид келса ҳам «уф» дейди. Ота-онанинг олдида «уф» дегани уларга ҳар жиҳатдан жуда қаттиқ тегар экан. «Биз қариб, болаларимизни зериктирдикми, ё малол келяпмизми? Бизни боқаман деб қийналиб қолдими?» - деган хаёлларга борар экан ота-она. Шу сабабдан ҳам Аллоҳим ота-онанг олдида «уф» дема, гуноҳкор қиламан», деб огоҳлантираяпти. Ота-онанг норози бўлган, қилмагин деган ишларни қилмаслик ҳам вожиблардан бири. «Рози эмасман, шу ишни қилма, болам» десалар қилманг, гуноҳкор бўлиб қоласиз. Ота-она розилигини олмай қилинган иш куфрга олиб келади. Мана бу ҳикоятни эшитинг-а, онани норози қилган ўғилнинг фожеаси бу.

Бир шайх, ўзи жуда ёш бўлишига қарамасдан ибодатга жуда қаттиқ берилиб, Аллоҳнинг каломи Қуръони Каримни ёд қилиб, укровий илмни сув қилиб ичиб юборибди. Шу сабаб 40 ёшида «Шайх» мақомига эга бўлибди. Шу онага меҳр кўрсатиб, боқаркан. Она куну-тун дуолар қиларкан. Хуллас савоб ишларга ботил бўлган бир улуғ инсон экан. Кунларнинг бирида хаёлига бир фикр келиб, ҳеч тинчлик бермабди. Аллоҳ буюрган фарзлардан бешинчиси - Ҳаж сафарига бормаган экан. «Энди мен ҳам Маккаю мунаввара га бориб, Пайғамбаримиз босган изларини тавоф қилиб келай» деган қарорга келибди. Ниятини онасига етказиб, «Онажон, менга рухсат беринг, Ҳажга бориб, мусулмончилик фарзларининг бешинчисини ҳам адо этиб келсам», дебди. Онаси ялиниб, ёлворибди: «Болам мен бир қари, кўзи ожиз кимса бўлсам, сенсиз на овқатимни топиб ейман, на бирор иш қила оламан. Алҳамдулиллоҳ, дуоларимни олиб турибсан, мени шу аҳволда ташлаб кетмагин, норизо бўламан», -дебди. Йигит эса тутган жойини кесиб, «Йўқ, онажон, қарорим қатъий. Сизни Аллоҳга топширдим. Аллоҳнинг ўзи сизга қарайди», - деб онанинг фарёдига, розилигига қарамасдан йўлга тушибди.

Она «кетма, мени ташлаб кетма» деганича қолаверибди. Она аёллигига бориб шайх ўғлини «Илоё сафарингда бало ларга йўлиққин» дея қарғаб қўйибди. Шайх йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, хуфтонга яқин бир шаҳарга етиб борибди. «Қоронғу тушаяпти, шаҳарда бир маҳаллани топсам, албатта масжиди бордир, намозларимни ўқиб, сўнг тонготарда, бомдоддан кейин яна йўлга чиқсам», деган хаёллар билан айланиб, шаҳар ичкарисига кирибди. Бир маҳалланинг этагида бир масжид кўринибди. Эшиклари очиқ. Кириб, таҳорат олибди. Қийиқчасини ёзиб, намоз бошлабди. Энди Аллоҳнинг иродасини қаранг, худди шу куни тунда, ана шу шайх келиб қолган маҳалланинг бир хонадонига ўғри тушибди. Ўғри уй эгасини ўлдириб, молмулкини олиб, чиқиб кетаётганда одамлар пайқаб қолиб-ди. «Ушла, ўғрини ушла», қилишиб, бутун маҳалла аҳли, қўлида таёқлари билан, сўйил билан ўғрини қувиб кетишибди. Ўғри қочиб, ҳалиги маҳаллага келиб қолади. Қараса масжид, эшиклари очиқ, шартта ичкарига киради. Кирса бир ўзига ўхшаган қора чопонли киши ибодат қилаяпти. Кириб ўша кишининг ёнига ўғирланган нарсаларни қўйиб, ўзи девор ошиб қочиб қолибди. Оламон масжидга кирсаки, «ўғри» ибодат қилаяпти, ёнида ўғирланган нарсалар. Уни ушлаб, калтаклаб, қозининг олдига олиб келибдилар. Қозилар адолатли, билимдон экан. Одамларни, гувоҳларини сўраса, ҳамма «ўғри шу» деб гувоҳлик берибди. Ислом қозиси ҳукм чиқарибди: Биринчидан, бировнинг уйига бостириб киргани учун шариат бўйича кўзлари ўйилсин! Кўзини ўйибдилар. Ўғрилик қилгани учун қўллари кесилсин! Қўлларини кесибдилар. Одам ўлдирганлиги учун икки оёғини ҳам кесинглар! Оёқ, қўлини кесишибди... Дўзах азоби ҳам шунчалар бўлмас. Жарчи майдонга йиғилганларга қарата мурожаат қилибди: «Эй, халойиқ, кўриб қўйинг, бировнинг уйига бостириб кирганнинг ҳолини, ўғрилик қилган иймонсизни, кўриб қўйинг, одам ўлдириб, қон тўккан қонхўр одам қиёфасидаги маҳлуқни ... Қуруқ тана бўлиб, тирик мурда бўлиб қолган шайх «Мен ўғри эмасман, мен қотил ҳам, босқинчи ҳам эмасман, эй мусулмонлар, мен бадбахт, онасини норизо қилиб, сафарга отланган, онадан қарғиш олган шайхман...» деб бақирармиш. Шу сўзларини халққа айтибди-ю шайх «Ла илаҳа Иллоллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ» деб туриб жон таслим қилибди...

Онани норизо қилиб, ҳатто Ҳаж сафарига ҳам бориб бўлмас экан. Бошқа ишларни-ку қўяверинг.

Биздаги энг гўзал хулқлардан бири отадан олдин юрмаслик, дастурхонга ўтиргандa таомларга олдин қўл узатмасликдир. Бу ҳам ҳақ, вожиблардан. Илгари бошқа нарсалар у ёқда турсин, отасининг олдидан кесиб ўтолмаган, орқасидан юрган. «Болам», сиз эртароқ бораверинг» деб айтмаса олдига ўта олмаган. Ҳатто ота- бола битта лагандан овқат еб бўлмас экан, ота оламан деб турган бир тишлам гўштни бола олиб қўйса отанинг кўнгли ранжиб қолмасин деб.

Ислом оламининг уламоларидан бири айтган эканлар. «Икки тоифа одамлар жуда қаттиқ ҳаракатлар қилиб, ризқу насиба деб куйиб-пишмасин: бири ота-онанинг дуоларини олган киши, иккинчиси аксинча, ота-онага оқ бўлган киши. Қарғиш олган одам ўзини ўтга, чўққа урсин, эртадан-кечгача елиб-югурсин бири икки бўлмас экан. Косаси оқармас экан. Шундоқлигича бебарака турмуш билан ўтиб кетар экан. Дуо олган кишига, хусусан ота-онасидан дуо олган кишига, Аллоҳим турмушни баракали қилиб бераркан, Аллоҳ уни хор қилиб қўймас экан.

ЎЙЛАБ ВА ЎЙНАБ... СЎЗЛАГАНДА

Муборак сарчашмалар

«Ҳидоя»

Шарқ Уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқардики, уларнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади. Жорий йилда таваллудига 910 йил тўлиши кенг нишонланадиган Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳам ана шундай сиймолардан биридир.

Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний Фарғона вилоятининг Риштон қишлоғида 1115 йилда таваллуд топган. Дастлабки маълумотни ислом таълиминнинг зукко билимдони, дин аҳкомларини пухта ўзлаштирган, маърифатли инсон бўлган отасидан олган бўлажак олим кейинчалик Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа йирик шаҳарларида ўқиб, олий ислом таълимига эга бўлади.

Жаҳонга машҳур Имом Бухорий ва Имом ат-Термизий каби салафлари изидан бориб муҳаддислик қилган, гўзал тафсирлар ёзган Бурҳониддин ал-Марғиноний ижоди серқирра бўлса-да, аммо олимни олам аҳлига таниттан асосий асари «Китоб ал-Ҳидоя»дир.

Ислом қонунчилиги масалалари ҳар томонлама ва тўла тадқиқ этилган бу китоб араб тилида ёзилган бўлиб, даставвал форс, форс тилидан инглиз тилига таржима қилинган. Инглиз тилидан рус тилига 1893 йилда Тошкент шаҳрида таржима қилинган. Ислом ҳуқуқшунослиги (фиқх)нинг ҳанафий мазҳабига оид масалалар муфассал ҳал этиб берилган «Ҳидоя»нинг биринчи жилди мустақиллик берган имконият туфайли 1994 йили рус тилида нашр этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бурҳониддин ал-Марғиноний ўзининг машҳур асари «Ҳидоя»гача ҳам фиқҳга оид «Бидоят ал-мубтадий», «Нашр ал-мазҳаб», «Китоб ат-тажнис», «Ал-Мазид» каби қатор рисолалар яратган эди. Фиқҳ соҳасидаги тўпланган билим ва тажрибаларнинг қаймоғи сифатида юзага келган «Ҳидоя» (арабча қўлланма деган маънони англатади, тўлиқ номи - «Ҳидоя фи фуруъ ал-фиқҳ» («Фиқҳ соҳалари бўйича қўлланма») исломда суннийликнинг ҳанафийлар мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси ҳисобланади. Гарчанд, бундай асар ёзиш ҳаракати илгари ҳам бўлиб, 1048 йилда вафот этган Абдулҳасан ал-Қудурий шу номли биринчи қўлланмани ёзган бўлса-да, аммо Бурҳониддин ал-Марғиноний яратган «Ҳидоя» ўз даврида ҳанафийлар мазҳаби тарқалган мамлакатларда, хусусан, Марказий Осиё, Шимолий Кавказ ва Волгабўйи мусулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида кенг истеъфода этилган.

Бу асар тўрт жилддан иборат бўлиб, 56 бобга бўлинган. Ҳар бир боб махсус бир масалага бағишланиб, муаллифнинг шариат қонунқоидалари хусусидаги фикр ва хулосалари берилган, ҳанафийлар мазҳаби вакилларининг мулоҳазалари ҳам келтирилади. Исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик каби масалалар муфассал ёритилади. Китобда оила ва никоҳ масалаларидаги меъёрлар (никоҳ, ажралиш) батафсил ёритилиб, уларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоида ҳамда жазо чоралари белгиланади.

Ислом нуқтаи назаридан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар: мулкий ва молиявий муносабатлар, айниқса, мерос, уни бўлиш йўллари, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалалар нисбатан кенг ёритилади. Шунингдек, фақаттина исломга хос бўлган бир қанча масалалар, хусусан, жиҳод, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш ва фаолиятдаги айрим таъқиқ ҳамда ижозатлар алоҳида қайд этилган.

«Ҳидоя»даги иқтисодий масалалар изоҳи ҳам муҳим саналади. Асарда айниқса закот масаласига катта эътибор берилган бўлиб, унга махсус бир боб ажратилган. Чорва моллари, шахсий мулк, кон, хазина, ер ва бошқа мулк шаклларидан олинадиган тўловлар тўлиқ тавсиф этилади.

«Ҳидоя»нинг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, унда ҳамма яхши маълум масалалар билан бирга, кам учрайдиган ҳолатлар, у ёки бу масаланинг нозик томонлари барча икир-чикиригача тўлиқ изоҳлаб берилади. Масалан, чорвачиликда 40 эчкидан биттаси закот ҳисобида берилиши, мол сони ундан кам бўлса ҳеч қандай тўлов олинмаслиги, бир ёшдан кичик қўзилар эса бу ҳисобга киритилмаслигигача таъкидланган.

Шунингдек, отлар ҳисоб-китоб қилинганда неча фоиз миқдорида закот тўланиши, аммо эшак, хачир, ҳўкиз, туя каби ишчи ҳайвонлардан тўлов олинмаслиги, фақат улар олди-сотди муомаласида бўлсагина закот берилиши айтилади. Шу ўринда яна бир нарса диққатга сазоворки, закот йиғувчи энг яхши эмас, аксинча, ўртача баҳодаги молни олиши талаб этилади.

Кумуш ва олтиндан олинадиган закот миқдори ҳам ўзига хослиги таърифланган. Топилган кон ва хазинадан эса бешдан бир қисми закот сифатида олинади. Аммо қимматбаҳо тошлардан закот олинмайди.

Ёмғир ва қор сувлари билан табиий равишда суғориладиган ерлардаги ҳосилнинг ўндан бири шаклида закот олингани ҳолда, ўрмон, яйлов ва чакалакзорлар закотдан мустасно этилган.

«Ҳидоя»да йиғилган закотни тақсимлаш қонун-қоидалари ҳам келтирилиб, у аҳолининг айрим тоифалари: фақир, мискин кишилар, закот йиғувчилар, қарздорлар ва бошқалар шу закотдан фойдаланишлари мумкинлиги кўрсатилган. Шуларнинг ўзиёқ Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг бу асари ниҳоятда бой ва қимматли манба эканлигини кўрсатиб турибди. Бу асарни шошилинч ўзбек тилига ўгириш ва чуқур тадқиқ этиш барчамизга бирдек фойда келтиради.

Темир КУРБОН,
филология фанлари номзоди.

Тонгда яхши ният билан уйғонинг

ҚЎЙ (21.03-21.04). Бутун умрингизни тилла узук деб ҳисобласак, ўтаётган ҳафта ўша узукка ёқут кўз бўла олади. Фақат ҳаддан зиёд қувончу шодликларни кўтара олсангиз кифоя. Яхшиси, уларни дўсту ёрларингиз билан баҳам кўринг.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Сизга ҳам юқоридаги тилакларни билдириш мумкин. Ўйлайманки, кеча рўй берган арзимаган муваффақиятсизлик ютуқ ва севинчларингизга унчалик жиддий таъсир кўрсатмайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). Кўнглингизга яхши ниятни жо қилиб, ҳамма билан самимий муносабатда бўлсангиз, ҳафта мобайнида сизларга ютуқ келаверади. Ўша ютуқлар шанба куни рўй бериши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Ҳар тонгда яхши ният билан барвақт уйғонинг. Ҳафта учун белгиланган режаларингизни яна бир бор эсга олинг. Сўнг дадил ҳаракатга киришинг. Пулингиз анча кўпайиб қолиши, бошқа соҳалардаги ютуқларга эришиш мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ўтаётган ҳафтани шодлик ва қувончларга бой бўлган сердаромад ҳафтага айлантириш ўзингизга боғлиқ. Ҳалол-покликда юринг, яхши ниятни ўзингизга йўлдош қилинг. Ҳамёнингизга киradиган маблағни яхши ишларга сарфланг.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Салгина ҳаракат қилсангиз, шу ҳафтада анча бойиб қоласиз. Агар бу ютуқдан талтайиб кетсангиз ўзингиздан ўпкаланг. Яхшиси, ўзингизни вазмин тутинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафта сиз учун жуда ажойиб ўтади. Бу кунлар қизиқарли воқеаларга жуда бой бўлади. Асосийси, ҳеч қандай зиён-заҳмат кўрмайсиз.

ЧАЁН (23.10-22.11). Дастлаб соғлиғингизни яхшилаш борасида қайғуринг. Бугун таваккалчилик қилишдан сақланинг. Шунда ҳафта сиз учун мароқли ўтади. Жума куни мўмай пул топасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Ушбу ҳафта ҳам умрингиз безаги бўлади. Яхши кайфиятда ва самимий муносабатда юрсангиз, омаднинг ўзи сизни излаб топади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳаётда нимагаки эришган бўлсангиз, елиб-югуришингиз, машаққатли меҳнатингиз туфайли муяссар бўлаяпсиз. Бу ҳафта ҳам шундай бўлади. Сизга омад сари катта йўл очилади. Ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Ҳафта бошидаги молиявий муваффақиятдан ҳаволаниб кетсангиз, сўнгги кунларда азият чекишингизга тўғри келади. Ҳарқалай, ҳафта сиз учун хайрли келади.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Аёнки, ушбу бурж остида туғилганлар қатъиятли, иродаси мустаҳкам кишилар бўлади. Шундан бўлса керак, тақдир уларнинг иродасини тез-тез чархлаб туради. Жума, шанба кунлари юлдузлар сизни синовларга рўпара қилади. Эҳтиёт бўлинг. Ҳафта хайрли ниҳоясига етади.

«Ўригидан данаги ширин»...

Дунёга келиб соғлом улғаяётган фарзанд оилани бахту тахти. Умрини мазмунли ўтказаётган онахонлар учун эса дунёнинг мазмуни.

Одамлар бефарқ эмас

Узумини еб, боғини ҳам сўранг...

Халқимизда: «Ҳамма нарсанинг - кийимнинг ҳам, ейишнинг ҳам... янгиси яхши, дўстнинг эса эскиси» деган ҳикмат бор.

Кўнглим университетни бирга тугатган дўстларимдан бири Соҳибжонни тусаб қолди. «Ҳам дийдорлашаман, ҳам тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан» деган хаёл билан зарур ишларни ҳам йиғиштириб йўлга отландим. Ҳар галгидек улар кучоқ очиб кутиб олишди.

Хонтахта атрофида нонушта қилар эканмиз, уч-тўрт кундан буён давом этаётган бир воқеа диққатимни ўзига тортди. Икки опа-сингил ийманибгина келиб бугун сут, эртасига қаймоқ ёки хурмада уйитилган қатиқ ташлаб кетади. Ичиб тўймайсан. Биз шаҳарликлар дўкондан олиб истеъмол қиладиган, мингбир қўлдан ўтиб маза-матраси қолмаган сут-қатиқ, ачиган қаймоққа сира-сира ўхшамайди. Аввал биздагидек «мижозлар бўлса керак» деган фикрга бордим. Нархини, ҳисоб-китоб йўлини сўрадим.

- Узумини енг, боғини сўраман», - деди дўстим қаҳ-қаҳ отиб кулиб.

- Бизга узумидан ҳам боғи керак. - Ҳазилга-ҳазил билан жавоб берган бўлдим.

Воқеа бундай бўлган эди:

Қўшни кўчада Абдисаттор деган қўл учида кун кечириб юрган киши бор экан. Аллоҳ бу бандасига етти фарзанд берибди. У касалга чалиниб, муолажалар иш бермай оламдан ўтибди. Хонадон юпун, болалар еярман-ичарман. Ўлим харажатларини ҳам ошна-оғайни, маҳалла-кўй кўтарибди.

- Сиз кўпнинг хизматкори, кайвонисисиз, - дебди дўстим бир кун оқсоқол ҳузурига бориб. - Абдисатторнинг болалари жуда қийналиб қолган. Уларга бир зотдор сигир олиб берсам... Сут-қатиқни ичиб, ҳам беш-ўн сўмга сотиб рўзғорларига яратишар. Болалари кўнгилик, ўгўлан йиғишади, рўзғордан чиққан пўчоқ, майда-чуйда беҳуда кетмайди. Керак бўлган кунжара, шелуҳа, емни вақти-вақти билан ўзим олиб бериб тураман. Фақат улар кўнглига оғир олишмасмикин?

Оқсоқол аъзадор хонадонга кириб, болаларнинг онаси билан обдон маслаҳатлашибди. Бечора бева кўзига ёш олиб, оқибатли кишилар борлигидан хурсанд бўлибди.

- Вақтнинг ўтишини қаранг, - дейди дўстим. - Гўё кечагина содир бўлгандек туюлса ҳам, дарҳол етти йил ўтибди. Болаларнинг бахтида, сигир ҳар гал эгиз туғади. Сал улғайтиргач, семиртириб бирини сўйиб, иккинчисини сотиб кичик ўғлининг қўлини ҳалоллашди. Йил ўтмасдан болалайди, жонивор. Бу ҳам худонинг ҳоҳиши, ғамхўрлигида. Шундан биз ҳам қуруқ эмасмиз, бир кун сут, бир кун қатиқ дегандек...

Дўстимнинг ҳимматидан бошим кўкка етди. Унга бўлган муҳаббатим яна ҳам ошди.

Куннинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, дейдилар. Ахир, Абдисатторнинг ўғил-қизлари пешонасига оталари тақдири битилмагандир. Улар ҳам ўқир, улғаяр, касб-ҳунарли бўлишади. Ана ўша ёруғ кунлар келганда оч-юпун, қоронғу кунларида бегараз ҳиммат қўлини чўзган инсонларни эслашлари табиий. Ўша қулфат соя солган кунларига яраган одамларнинг фарзандларига нисбатан ўзгача муҳаббат, ака-укалик, опа-сингиллик меҳри уйғониши шубҳасиз. Ишонинг, қийналиб ўсган, дастурхонида нони учма-уч бўлган оила фарзандлари дийдаси тўқ, ҳаромдан йироқ, эътиқоди бутун бўлади. Яхшиликни ҳеч қачон эсдан чиқаришмайди. Узумини еб, боғини ҳам сўрайдиган бўлади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.
Қашқадарё

Ишондик, ишонмадик

Кўпчиликнинг севимли газетасига айланиб қолган «Ҳуррият»нинг бир неча сонларида ижодкор дўстимиз Оллоёр Бегалиевнинг «Исдан оғир хурофот» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Тўғриси, кўпчилик қатори биз ҳам унинг воқеаларига маҳлиё бўлиб, ўқиб бордик.

Шов-шувмисан, шов-шув бўлади

Ростдан-да, «Ўлган одам» гўрда тирилса, бу ҳаётга ошиқиб қабрдан чиқиш учун азоб-уқубат чекса-ю, шу азоблар ичида яна ҳаётдан кўз юмса, ким ҳам бу воқеага бефарқ қарайди дейсиз. Воқеанинг ғаройиблигидан ҳалигача газетанинг шу сонларини излаб юрганлар кўп.

Бу ижодий муваффақиятни ҳис қилган ижодкор О. Бегалиев ушбу мавзуни давом эттириш ниятида экан. Газетанинг галдаги сонида у яна чиқиш қилиб муштарийларга шу мавзудаги янги бир ниҳоятда қизиқарли воқеа ҳақида ёзиш ниятини эълон қилди ва муштарийларни қизиқтириб «замонамизнинг «гўрўғли»си ҳақидаги мақола»си воқеасининг учини чиқариб қўйди.

Эмишки, «Тожикистоннинг бир қишлоғида ой-куни яқинлашган келинчакни ток уриб, ҳушидан кетади. Унда ҳаёт асарини тополмаган яқинлари аза очиб, кўмиб келишади.

Қабрда ўзига келган жувонни қўрқувдан тўлғоқ тутади ва ўғил кўради. Гўдакнинг йиғиси онага далда бўлади, ўзини йўқотмайди. Келинчак ўз кафанининг бир қисмини йиртиб, боласига йўргак қилади, ўзи ҳамда норасиданинг ҳаёти учун кураш олиб боради, қабрдан ташқарига чиқиш чорасини излайди...

Тонг-азонлаб қабр тепасига келганлар ер остидан келаётган товушни эшитиб, қабрни очадилар, бир жасад кўмилган гўрдан икки тирик инсонни кавлаб оладилар.

Ҳозир она-бола яқинлари ва тиббиёт ходимларининг назоратида, соғ-саломат ҳаёт кечиришмоқда».

Энди азалдан қадрдонимиз Оллоёржоннинг бу йўналишдаги қизиқишларини ва унга бу қўл келаётганини инобатга олиб, баъзи бир фойдали «маслаҳат»ларимизни бермоқчимиз:

Дўстимиз Оллоёржон! Сиз энди бу мавзуга жиддий киришган экансиз, бундан буён кўпроқ Оврўпача ҳаёт кечирганлар қабрлари билан қизиқинг. Зотан, бунда янада қизиқарлироқ, шов-шувлироқ воқеаларни ижод қилишингиз мумкин. Масалан, уларда майитни чиройли, топ-тоза кийим-бош билан кўмишади. Мабодо, кимдир қайта тирилиб қолса, бемалол уйига, балки ишхонасига келиб ҳаётини давом эттираверишиш мумкин. Энг қизиғи, ҳомиладор аёл гўрда тирилса, ундан ҳам қизиқроқ бўлади. Чунки бу халқларда ўлик тобут билан қабрга қўйилади. Қайта тирилган ҳомиладор аёл бемалол кўзи ёриб, чақалоғини нафақат кафандан йўргаклаши, балки тобутдан бешик ясаб, (улар бешикдан фойдаланмаслигини ким ўйлаб ўтирибди, ҳамма воқеа даҳшати билан чалғиган бўлади. Зотан, сиз ҳам онадан туғилган чақалоққа доя бажарадиган ҳаётмомот ишларини назарга илмагансиз-ку) чақалоқни бемалол катта қилаверишиш мумкин бўлади. Ҳа, шов-шувмисан, шов-шув бўлади. Нима дедингиз?

«MAHALLA»чи.

2000 йил - Соғлом авлод йили

«Тишинг соғ – вақтинг чоғ»

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Соғлом авлод йили»га бағишлаб турли мавзуларда, жанрларда рангли китоб, суратли плакатлар чоп этмоқда. «Тишинг соғ - вақтинг чоғ» деб номланган плакатнинг диққатга сазовор томони шундаки, у тажрибада биринчи марта ўзбек, инглиз, рус тилларида чиқарилган. Муаллифлар - профессор Миржамол Мирёқубов билан Дилфуза Мирёқубова кўтарилган долзарб мавзуларининг таъсирли бўлиши, ёдда тез қолиши учун - соддабадиий шеърий сатрларда жозибали ифода этиб берганлар:

Тишни ёпликдан сақланг,
Узоқ умр кўрасиз.
Тиш касалин билмасдан,
Ўйнаб-кулиб юрасиз.

Шунингдек, таниқли мўйқалам устаси Лайло Баророва томонидан шеърлар мазмунига мослаб моҳирона чизилган рангли расмлар тақвим-плакатнинг қимматига қиммат қўшиб, таъсирчанлигини, оҳанграбосини оширишга ёрдам берган.

Р.РАСУЛОВ.

1990 йилда Тош ДУ юридик факультети томонидан Тохтаева Дилфуза Бахромовна номига берилган 070980 рақамли диплом йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

Бишкекдаги 2-хонали уйни Тошкентдаги уйга алмашаман.
Тел.: 35-81-63

НАЗАРАЛИЕВнинг гиёҳвандликка ҳар қандай боғлиқликдан ва алкоголизмдан даволанишнинг самарали усулларидан фойдаланинг.
Телефон: 35-81-63

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220
Топширилди—20.30